

НОРМАТИВ ТУШУНЧАЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ АСПЕКТЛАРИ

Камол Тулкунович Сайдазимов

Тошкент педиатрия тиббиёт институти катта ўқитувчиси

kam_s@list.ru

АННОТАЦИЯ

Инсонлар хатти-ҳаракатини бошқариш – бу нормаларнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, келажакдаги ҳаракатларни бошқариш мумкинлиги шубҳасиз; келажак билан нисбат олиниши эса нормаларнинг регулятив функцияси эканлигини белгилайди. нормалар ўтган замондаги хатти-ҳаракатларни баҳолаш ва унинг интерпретациясида қўлланилади. Ҳаракатларнинг бошқарув жараёнини эса кўриб чиқишига ҳаракат қиламиз. ҳар қандай маълумот муайян норма ёки нормалар тизимига тегишли бўлган маълумотга мос келиши аниқдир. Ўз навбатида, айнан шу ҳаракат бошқа нормалар тизимига зид бўлиб қолиши эҳтимоли мавжуд. Қизиғи, айнан шу иккита маълумот чин кўринишида ҳам келиши мумкин. Шунини айтиш жоизки, бундай маълумотлар баъзида амалий ечимни ҳал этмай қолади. Чунки агентнинг ҳақиқатда нима қилиш кераклигини маълум қилмайди. Бунда эса, ҳақиқат масаласи ечимини топишда фақат деонтик гап тузилмасигина зарур, муҳим ўринга эга. Инсон ва жамият учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик ва эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар қадрият ҳисобланади. Шундай экан, жамият ҳаётида қадрият ва мажбурият ахлоқий категориялар каби алоҳида аҳамиятга эга. Улар билан боғлиқ бўлган турли ижтимоий мулоҳазалар мантиқий асосларсиз, ҳукм ва хулосаларсиз мавжуд бўлиши мушкулдир.

Калит сўзлар: нормалар, модал тушунчалар, мажбурийлик ва шартлилик модалликлари, ахлоқий категориялар, баҳо ва норма, мантиқий усуллар, чин фикрни, норматив мулоҳаза, баҳолаш мулоҳаза.

LOGICAL ASPECTS OF REGULATORY CONCEPTS

ABSTRACT

Managing human behavior is one of the important tasks of norms, and there is no doubt that future actions can be controlled; and its relation to the future determines

that norms are a regulatory function. The norms are used in the assessment and interpretation of past tense behavior. We will try to look at the action management process. It is clear that any information corresponds to information related to a particular norm or system of norms. In turn, it is likely that this particular action will contradict another system of norms. Interestingly, these two pieces of information could also come true. It should be noted that such data sometimes do not provide a practical solution. Because the agent really doesn't know what to do. In this case, the deontic structure of the sentence is analyzed in order to find a solution to the problem of truth. Therefore, in the life of society, values and obligations are no less important than moral categories. It examines the various social norm-related issues related to them.

Keywords: norms, modal concepts, modality of obligation and conditionality, ethical categories, assessment and norm, logical methods, honesty, normative reasoning, evaluative reasoning.

КИРИШ

Хозирги кунда мантиқ илми конгнитив-дискурсив парадигмаларининг тараққий этиши билан бир қаторда баҳолаш мантиғининг муҳим комунникатив модалликлар назарий жараёнларини ўрганиш тадқиқодчиларнинг эътибор марказида. Айтиш жоизки, мантиқий комунникатив модалликларнинг баҳолаш ва аксиологик жараёнлардаги ўрнинини белгилаш баҳолаш мантиғининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Мулоҳазаларнинг конструктив ташкил этиш ва тартиблаш учун деонтик, коммуникатив-баҳоловчи ва конгнитив аспектларга таянадиган билимларга ва бундан ташқари, баҳоловчи мулоҳазаларда модалликни тизимлаштиришда турли билимларни форматлашуви ва интегратив жараённи синтезлашуви ҳам боғлиқ бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Ҳақиқат муаммоси ўз мазмунига кўра мутлақ ва нисбий шаклда намоён бўлади. Ҳақиқат деб инсоннинг объектив дунё тўғрисидаги тўла ва келгусида рад этилмайдиган билимларига айтилади. Фалсафа Қомусий Луғат. “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти [2004. 289 б.]. келажакда кечадиган имкониятларнинг натижаларини, яъни агент ишлаб чиқара оладиган ҳаракатлар имкониятлар натижаларини, ҳамда келажакда ҳар

бир вазиятда унга зарур бўлган барча муқобил ҳаракатларнинг очиқлигини эътиборга олишимиз зарур. Ушбу келажакдаги вазият ва ҳаракатларнинг ўзаро боғлиқлиги этикадаги консеквенционалистик ёндашувга боғлиқ эмаслиги ҳақида баён этилди. [Мэкки Ж. 1977. 35 бет.].

Билиш тараққиётининг турли босқич ва бўғинларида олам ҳамда уни билиш ҳақидаги мавжуд тасаввурларни, билиш методи ва воситаларини ўзгартиришнинг объектив заруриятини ифодоловчи ҳолат. Муаммоли вазият мавжуд илмий тасаввурлар билан қайд қилинган янги фактлар ўртасидаги зиддиятнинг пайдо бўлиши ёки ана шу илмий тасаввурлар етарли даражада тизимга солинмаганлиги, яхлит бир таълимот сифатида асосламаганлиги натижасида вужудга келади [Д.Файзихўжаева 2015.]. Нормалар икки хил йўналиши мавжуд: а) Негатив (нигилистик) ва б) позитив (конструктив) йўналишлар [Ивин А. 1973.]. Деонтик интуитивизм намоёндалари Уиильям Дэвид Росс, Генри Сиджвик ва Чарли Бродларга кўра мажбуриятни кўрсатувчи ҳукмлар мантиқий даллиларни талаб этмайди деб эътироф этадилар. [Максимов Л. 1991.].

Мазкур мақолада норматив тушунчаларнинг табиати, типологияси ва тузилмасини англаш ҳамда улардаги чин фикрни ифода қилувчи муҳим мантиқий усуллардан фойдаланишнинг ўзига хос томонлари ёритилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, норматив тушунчаларнинг ўзига хос мантиқий хусусиятлари замонавий модал мантиқнинг йўналишларидан бири бўлган деонтик мантиқда ўрганилади. Ҳозирги кунда нормаларнинг шакллари жамиятда тартибот, буйруқ, йўл ҳаракати қоидаси, маълум бир технологиянинг талаби, этикет, ҳуқуқ нормалари ва ҳ.к. кўринишда мавжуд бўлиб аксарият қисми мажбурият, руҳсат бериш, тақиқлаш каби тушунчалар орқали ифодаланилади. Бунда қоида ва буйруқлар регулятив вазифани бажаради ва жамиятдаги инсон хатти-ҳаракатларини тартиблашга кўмаклашади. Уларни бажарилиши эса жамиятдаги шахсларнинг у ёки бу стандарт, стереотипларга бўйсунганини намоён қилади. Бундай стандартлар аксарият ҳолларда ахлоқий норма, ҳуқуқий кодекс каби тизимларда, норматив мулоҳазаларда намоён бўлади.

Норматив мулоҳаза – хулқ-атвор нормасини ифодоловчи мулоҳаза. Баъзан у императив – буйруқ кўринишида ифодаланади. Кўпроқ дарак гапга норматив сўзларни (шарт, зарур, мумкин, ман қилинади ва б.) қўшиш йўли

билан тузилади. Нормаларнинг тадбиқ қилиш соҳаси ниҳоятда кенг бўлиб, улар қоида одат, ахлоқий принциплар каби кўринишларда бўлади. Нормалар баҳолашнинг хусусий кўринишидир. Ҳар қандай баҳоловчи мулоҳаза каби норматив норматив ҳукмлар чин ҳам, хато ҳам бўлмайди. Нормалар доимо келажакка йўналтирилган бўлади. [Мантиқ Изоҳли луғат. “Тамаддун” Тошкент. 2015. 151 бет].

Норматив тушунчаларнинг мантиқий аспекти ҳақида сўз борганда, нормаларнинг ўзига хос регулятив функцияси орқали шахсларнинг муносабат ва ҳаракатларни тартиблашдаги жараён улкан аҳамиятга эга.

Маълумки: қоида ва буйруқларни икки хил яъни: шартсиз ва шартли кўриниши мавжуд бўлиб, шартсиз нормалар маълум кўрсатмаларнинг тадбиғи аниқ норматив кодекс, контекстларда ўз ифодасини топади. Бундай шартларнинг қўлланилиши умумий тизимда аниқ белгаланган норма сифтида намоён бўлади. Масалан, йўл ҳаракати қоидаларига кўра “ҳаракатланиш тақиқланган” белгиси барча транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланишини билдиради, бунда нормаларнинг шартсиз “тақиқ” кўринишини белгилайди. Шартли нормалар эса воқеа ҳодисадар ичида кечаётган жараёнларнинг ҳолатидан келиб чиқадиган маълум бир қонун қоидаларнинг шартли амали сифатида намоён бўлади.

Бундай ҳаракатларни бажарилиши баъзи муқобил ёндашувлар ўртасидаги маълум асосга эга бўлган танлов жараёни орқали бажарилади. Баъзи педагогик методик усул, сиёсий стратегик ёндашувлар ёки маълум бир ижтимоий дастурлар бунга мисол бўлиши мумкин.

Нормаларнинг мантиқий таҳлили деонтик модал тушунчаларни ўрганиш билан боғлиқ. Модаллик - бу шахснинг билимга ёки ҳаракатга субъектив муносабатини тавсифловчи гаплар туркуми. Модал тушунчалар даъво қилинган фактларга, иш ҳолатларига ёки ҳаракатларига маълум муносабат билдириб баҳо бериш ва тасдиқлаш учун маълум асосларга таянади. Модаллик тушунчаси формал мумтоз мантиқнинг негизидан келиб чиқиб, баҳо ўртасидаги фарқларни ажратишда “тавсифлаш-баҳолаш” каби муҳолиф тушунчалардан фойдаланади. [Thematics journal of education, 2021. 147p.].

Норматив тасдиқ – мантиқий категорияларнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, бошқа мантиқий категорияларидан фарқли ўлароқ “мавжуд” ва “шарт” тушунчалари билан ўзаро боғланишга имконият яратмайди.

Нормалар икки хил йўналиши мавжуд: а) Негатив (нигилистик) ва б) позитив (конструктив) йўналишлар. [Логика норм. - М.: МГУ, 1973. - 121 с.] Нигилистик йўналишни тарафдорлари Чарльз Стивенсон ва Йенс Йоханнес Йоргенсен фикрларига кўра жамиятдаги нормалар мантикий тахлилга эҳтиёж туғдирмайди. Шунини инобатга олиш керакки негатив ёндашувнинг бир неча кўринишлари мавжуд. Улардан бирига кўра “шарт” тушунчалар ҳақидаги ҳукмлар мантикий воситаранинг иштирокисиз амалга ошади. Чунки мантикий дедукция дастлабки ҳукмлардан ортиқ ҳулосасини тўлдирмайди. Дэвид Юмнинг фикрига кўра кўпгина назарияларда “мавжуд” ва “шарт” иштирок этадиган гапларда сезилмас алмашинуви содир бўлади. Уш бу талқинга “Йоргенсен тамойили” яқин. Бу тамойилга кўра мантикий натижаларнинг муносабати ҳақиқат мезонлари билан белгиланади. Нормаларда бундай мезонлар мавжуд эмас. Бинобарин, мантикий амалнинг меъёр ва нормаларга алоқаси қолмайди. Й.Йоргенсен ушбу масаласни императивларга нисбатан қўллаган, лекин бу нормаларга ҳам худди шундай қўлланилиши мумкин. Кейинги ёндашувга кўра эса мантикий асослашга имконият чекланган нормалар мавжуд бўлиб, бу нормаларнинг эмотив талқин табиатини шакллантиради. Албатта уш бу ёндашув ахлоқ назариясида Чарльз Кей Огден ва Айвор Армстронг Ричардс томонидан ишлаб чиқилган эмотивизм тезиси билан чамбарчас боғлиқ. Бунда “бу яхши” ва “бу бурч” каби ҳукмлар синтетик ҳам, аналитик ҳам эмас. Улар мантикий жараён орқали текширилмайди ва эмпирик асосланмайдилар. Чунки норматив ҳукмлар ҳеч қандай белгиловчи вазифани бажармайди, балки эмотив белгиларни билдирадилар холос.

Деонтик интуитивизм намоёндалари Уиильям Дэвид Росс, Генри Сиджвик ва Чарли Бродларга кўра мажбуриятни кўрсатувчи ҳукмлар мантикий далилларни талаб этмайди деб эътироф этадилар. Росс бир неча мажбуриятларни санаб ўтади: “содиклик мажбурияти”, “ташаккурлик мажбурияти”, “адолат мажбурияти”, “ўзликнинг мукаммалиги мажбурияти”. У уш бу мажбурият шакллариини интуиция асосида қабул қилинадиган бурч сифатида талқин этади. [Проблема обоснования морали. Логико-когнитивные аспекты. М. 1991. 23 с.]

Конструктив йўналишда А.Ивин томонидан кўриб чиқилган мантикий тадқиқоди нормаларни ҳам четлаб ўтмади. Бунда у Г.Вригтнинг перспектив ва дескриптив нормаларнинг бўлинишини инобатга олади. Г.Вригт нормаларда деонтик гапларнинг қўлланилишини перспектив (тасвирловчи) талқинида

кўрилишини, уларнинг мавжуд ёки мавжуд бўлмаган нормаларда қўлланишини эса – дескрептив талқинда ифодаланишини эслатиб ўтади.

Маълумки, мулоҳазалар умумий тузилишига эга бўлиб, қуйидагича ифодаланади: “**A** бу **B**” ёки “**A** нинг **B** хусусияти мавжуд”. Бу каби мулоҳазалар дескрептив кўринишга эга. Норматив мулоҳазаларнинг хусусияти маълум бир ҳатти-харакат, вазиятни тасвирлашдан иборат бўлади. Тасвирнинг характери деонтик тушунчалар орқали аниқланади. Тасвирнинг мазмуни эса ҳолат, ҳаракатга йўналтирилган ва нормалар талабига боғлиқ бўлган жараённи белгилаб боради. Шундай қилиб, “шартли ҳаракат **A**” нормасида деонтик тушунча ва норманинг перспектив компоненти бўлган **A** мулоҳазаси нормалар тузилмасининг бирламчи поғонасини ифодалайди. Чунки норматив тасдиқда **A** дескрептив компонентидан ташқари **A** (усул) модусини амалга оширувчи кўрсатма мавжуд. Ҳаракат, вазият ёки бирон бир ҳолатнинг руҳсат, таъқиқни ифодоловчи нормалар турли норматив кодексларда шаклланиб боради.

Маълумки, нормаларда мажбурийлик ва шартлилик модалликлари иштирок этади. Мажбурийлик сабабий муносабатлар оқибати, шартлилик эса бу талабнинг ҳосиласи сифатида ифодаланиб келинади. Бунга мисол тариқасида қуйидагиларни кўришимиз мумкин:

1. Ҳар бир фуқаро давлат қонунларини ҳурмат қилишга мажбур.
2. Ҳар бир инсон жамиятда эзгулик қилиб бориши шарт.

Модалликнинг биринчи тури воқеа ходисаларни ўрганиш учун қўлланили, субъектга боғлиқ бўлмаган ҳолда шаклланади. Модалликнинг иккинчи тури эса инсон ҳатти ҳаракати ва муносабатларини ўрганишга мўлжаллангандир.

Мураккаб ижтимоий нормалар таҳлилида норматив талабларнинг турли аспектларини инобатга олиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Нормалар таҳлилининг асосий мақсади ижтимоий нормалар учун умумий бўлган ўзига хос хусусиятлар ҳақидаги мунозараларига боғлиқ. Нормалар “таъқиқ”, “руҳсат”, “шарт”, “бефарқ” каби терминлар асосида яратилиб, улар норматив талабнинг характериға қаратилган бўлади. Шундай қилиб, нормалар характериға кўра таъқиқловчи, руҳсат берувчи, шартлиликни белгиловчи, бефарқлиликни кўрсатувчиларға бўлинади.

Деонтик мантиқда талаб, шартлилик ва мажбурийлик муносабатларини белгилашда **O** деонтик оператори қўлланилади. **P** деонтик оператори эса

руҳсат, тавсия муносабатларини билдиради. Нормалар тахлилининг асосий мақсади турли нормаларга умумий бўлган ўзига хос хусусиятларнинг тадқиқодига боғлиқдир. Таъқиқловчи норма руҳсатнинг инкор формасини, бефарқлиликни нормалар эса руҳсатнинг ўзаро истисно ҳаракатларини ифодалайди. Шартлилик ҳаракати ҳам “шарт” нормасидан ташқари руҳсат берувчи ҳаракатнинг инкор формасини кўрсатади. Бу каби деонтик мулоҳазалар қуйидаги мантиқий формула кўринишида ифодаланади:

$$1. O A = df \neg P \neg A$$

$$2. P A = df \neg O \neg A$$

$$3. F A = df \neg P A$$

$$4. O A = F \neg A$$

$$5. I A = df \neg O A \wedge \neg O \neg A = df P A \wedge P \neg A \text{ [Исследования по логике деонтических модальностей. Москва. 1983. 26.]}$$

Агар жараён ёки ҳаракатни амалга оширувчи усул орқали норманинг характерини ифодалаб келса, шунда норманинг мазмун моҳияти аниқ бир усул билан амалга ошириладиган жараён ёки ҳаракатга буйруқ ёки кўрсатма шаклидаги тартибни белгилайди. Аслида нормалар ҳаракат, маълум бир фаолият тури, ижтимоий воқеа ҳодиса, фойдаланиладиган усуллар, стратегик ёки тактик жараёнларга нисбатан шаклланади. Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, норманинг характери ва мазмуни ўртасида мантиқий боғлиқлик мавжуд бўлиб, матнларда турли хил модал тушунчалардан фойдаланилади.

К.Сигерберг қуйидаги модалликлардан фойдаланади: “commitment” ва “obligation”. Модалликнинг биринчи тури ҳаракат ва ўзаро муносабатларга мўлжалланган бўлиб, шартли характерга эга бўлган иккиликни белгиладиган деонтик оператор ҳисобланади. Модалликнинг иккинчи тури бирликни белгилаб, шартсиз бўлган мажбуриятни ифодалайди. [Модальные логики с линейными отношениями альтернативности. - В (24), с.180-204.]

Албатта бундай модалликлар жамиятдаги норманинг маълум бир кўринишида, унинг авторитетида акс этади.

Норманинг яна бир хусусияти шундаки, у нормадаги авторитетини белгилаб боради. Г.фо Вригт фикрига кўра норманинг авторитети – бу маълум бир ўзига тегишли тартибни ишлаб чиқарадиган агентдир. [Norm and action. - London, 1963, 207 p.] Нормаларнинг авторитети деганда жамиятнинг аниқ ишлаб чиқилган қонуни, мерос бўлиб ўтиб келаётган анаъна ва қадриятлари,

ижтимоий гуруҳ ёки шахснинг фикр мулоҳазаларини кўз остимизга келтиришимиз мумкин.

ХУЛОСА

Биз ушбу мақолада норматив билиш, ҳақиқат масалаларидаги деонтик гаплар билан боғлиқ масалаларнинг баъзи жихатларини таҳлил қилдик холос. Бу масала билан боғлиқ кўпгина муаммолар хали ўз ечимини кутмоқда.

REFERENCES

1. ШАРИПОВ М., ФАЙЗИХУЖАЕВА Д. Мантиқ. Рафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 2004
2. ФАЙЗИХУЖАЕВА Д. Мантиқ Изоҳли луғат. “Тамаддун” Тошкент – 2015
Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Т. “Алоқачи”. 2008
3. Альчуррон К., Булыгин Е. Нормативные системы / пер. М. В. Антонова, под ред. Е. Н. ЛИСАНИЮК, Е. В. БУЛЫГИНА // «Нормативные системы» и другие работы по философии права и логике норм. — СПб : Изд-во СПбГУ,
4. КАРАВАЕВ Э. Ф. Об усовершенствовании логической модели планирования на основе опытных данных о «парадоксе стратегии» // Вестник Санкт-Петербургского университета. — 2009.
5. КИСЛОВ А. Г. Динамическая логика и деонтические операторы в «строгом смысле» // Философия науки. — 2012.
6. ЛИСАНИЮК Е. Н. Развитие представлений о нормах в деонтической логике // Вестник Новосибирского государственного университета. — 2010.
7. Лисанюк Е.Н. Логика ответственности // Е.Н. Лисанюк, 2014
8. Лисанюк Е.Н. Когнитивные характеристики агентов аргументации // Вестник СПбГУ. 2013
9. В.Ю. ПЕРОВ (ред.) Философия ответственности. СПб.: Наука.
ЛИСАНИЮК Е. Н. От логики норм к деонтическим логикам действий // Седьмые смирновские чтения: материалы Междунар. науч. конф. / под ред. 10. В. И. Маркина. — М. : Современные тетради, 2011.
11. БУЛЫГИН Е.В. Логика и право. Пленарный доклад, прочитанный на международном симпозиуме «Философия и современное международное право» (Санкт-Петербург, 13–14 мая 2013 г.)
12. Д.ФАЙЗИХУЖАЕВА. Мантиқ Изоҳли луғат. “Тамаддун” Тошкент. 2015. 151 бет

13. САЙДАЗИМОВ К. Thematics journal of education, 2021. 147p.

ИВИН А.А. Логика норм. - М.: МГУ, 1973. - 121 с.

14. МАКСИМОВ Л. В. Проблема обоснования морали. Логико-когнитивные аспекты. М. 1991. 23 с.

15. КУРБАТОВ В.Н. Исследования по логике деонтических модальностей. Москва. 1983. 26.

16. СЕГЕРБЕРГ К. Модальные логики с линейными отношениями альтернативности. - В (24), с.180-204.

17. WRIGHT G.H. VON. Norm and action. - London, 1963, 207 p.